



Vebsayt: <https://involta.uz/>

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРДА ҲАМШИРАЛИК ИШИНИ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Ғаниева Зухра Узақовна

Олий ҳамширалик иши йўналиши магистранти, Самарқанд Давлат Тиббиёт
Университети, Ўзбекистон

Мавзунинг долзарблиги. Саломатлик мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, аҳолининг турмуш шароити ва турмуш даражаси, ҳаёт услуби, таълими, маданияти, шунингдек, аҳолининг турмуш тарзига узвий боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Саломатликни муҳофазалаш ва асраш нафақат мамлакатимизда юқори меҳнат унумдорлиги, фаровонликни ошириш учун муҳимдир, балки барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кафолати ҳамдир.

Келажак ёшлар қўлида, шундай экан аҳоли қатламининг асосий негида турувчи ёш авлод-болаларнинг саломатлигига янада эътибор қаратиш ва уларнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик жараёнида мамлакатдаги сиёсий тизимдан қатъий назар, тиббиёт ходимларининг болалар саломатлиги муаммоларига эътиборлари доимо долзарбдир.

Бугунгу кунда дунё бўйлаб тиббиёт фанининг ривожланиши ва тиббий технологияларнинг такомиллашиши, аҳолига тиббий-профилактика ёрдами кўрсатиш шартлари ва усуллари билан тиббиёт ходимларининг соғлиқни сақлаш тизимидаги

фаолиятининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тиббий хизматлар ва бўлимларнинг яхши мувофиқлаштирилган ишини ташкиллаштиш билим ва маҳоратга, фаолият давомидаги профессионал муносабатга боғлиқир. Болалар билан ишлашда тиббиёт ходимларининг юқори профессионалиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятида ҳам профилактика чора тадбирларни амалга ошириш энг долзарб муаммоларда бири ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохлўхатларга боғлиқ ҳолда, тиббиёт ходимларига катта масъулият юкланган: уларнинг ваколатлари чэгаралари нафақат парвариш масалаларида, балки патологик ҳолатларни ташхислашда ҳам кэнгаймоқда. Бу мактабгача таълим муассасалари шароитида болаларни профилактик текшириш жараёнида энг катта аҳамиятга эга.

Калитли сўзлар: болалар, мактабгача таълим муассасалари, ҳамширалар, саломатлик, тиббий хизмт.

Актуальность темы. Здоровье неразрывно связано с экономическим развитием страны, условиями и уровнем жизни, образом жизни, образованием, культурой и образом жизни. Защита и сохранение здоровья важны не только для высокой производительности труда и благосостояния в нашей стране, но и залог устойчивого социально-экономического развития.

Будущее в руках молодых людей, поэтому, уделяя больше внимания здоровью подрастающего поколения и не допуская его ухудшения, независимо от политической системы в стране, медицинские работники всегда обращают внимание на здоровье детей. .

Сегодня, с развитием медицинской науки и совершенствованием медицинских технологий во всем мире, возрастает роль и значение работы медицинского персонала в системе здравоохранения вместе с условиями и методами оказания профилактической медицинской помощи населению. Организация слаженной работы медицинских служб и отделений зависит от знаний и умений, профессионального отношения на протяжении всей деятельности. При работе с детьми особенно важен высокий профессионализм медперсонала.

Одним из самых актуальных вопросов в работе медсестер является выполнение профилактических мероприятий. В связи с проводимыми реформами в системе здравоохранения на медицинских работников возлагается большая ответственность: пределы их полномочий расширяются не только в вопросах оказания медицинской помощи, но и в диагностике патологических состояний. Это имеет первостепенное значение в процессе профилактического обследования детей в дошкольных учреждениях.

Ключевые слова: дети, дошкольные учреждения, медсестры, здоровье, медицинские услуги.

Importance of the topic. Health is inextricably linked with the economic development of a country, living conditions and standard of living, lifestyle, education, culture and lifestyle. Protecting and maintaining health is important not only for high labor productivity and well-being in our country, but also a guarantee for the sustainable socio-economic development.

The future is in the hands of youngsters, therefore, paying more attention to the health of the younger generation and not allowing it to deteriorate, regardless of the political system in the country, medical workers always pay attention to the health of children.

Today, with the development of medical education and the improvement of medical technologies around the world, the role and importance of the performance of medical personnel in the health care system, along with the conditions and methods of providing preventive medical care to the population, is increasing. The organization of the well-coordinated work of medical services and departments depends on knowledge and skills, professional attitude throughout the entire activity. When working with children, the high professionalism of the medical staff is especially important.

One of the most pressing issues in the work of nurses is the implementation of preventive measures. In connection with the ongoing reforms in the health care system, medical workers are assigned a great responsibility: the limits of their powers are expanding not only in the provision of medical care, but also in the diagnosis of pathological conditions. This is of paramount importance in the process of preventive examination of children in preschool institutions.

Key words: children, preschool, nurses, health, medical services.

Ўзбекистонда мустақилликга еришилгандан сўнг, 1991 йилдан бошлаб, ижтимоий-иқтисодий вазият тубдан ўзгарди, ижтимоий тиббиёт бир оз инқирозга учради, бу еса соғлиқни сақлаш тизимида тубдан ислохатлар ўтказишга олиб келди ва ҳозиргача давом етмоқда. Бу мамалакатимизнинг айтим ҳудудларида касаллик ва ўлим кўрсаткичларининг ошиши ва аҳолининг умр кўриш давомийлигининг кўпайиши билан тасдиқланади. Шунинг учун соғлиқни сақлашни бошқариш, айниқса, меҳнатга лаёқатли аҳолини бошқариш ва уни сақлаб қолиш ва яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарбдир.

Ҳозирги вужудга келган замонавий шароитда энг кам ва ижтимоий ҳимояланган ҳаёт даражаси паст бўлган ва молиявий йиғимга эга бўлмаган давлат бюджетида ишлаётганлар шахслар ҳисобланади. Ижтимоий жиҳатдан энг шу аҳволга тушган гуруҳлардан бири бу ҳамширалик ходимлари бўлиб, улар ижтимоий ҳимояга еҳтиёж даражаси бўйича фақат ишламайдиган аҳолидан кейин иккинчи ўринда туради (Ю.В. Михайлова ва бошқ., 2001).

Ҳамширалар томонидан бажариладиган функцияларнинг хилма-хиллиги касалликларнинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи сабаблар ва омилларни, шунингдек тиббий ёрдам кўрсатиладиган екологик, ижтимоий ва бошқа шароитларни ва соғлиқни сақлаш тизимининг ишлашини тушунишни талаб қилади (В.Ф. Орлов, 1992; Ж. Коц, 1993; А. Флетчер, 1985; П. Минаире, 1992). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳамшираликда хизмат кўрсатаётган ходимларни аҳолининг қулай нархдаги тиббий ёрдамга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун ҳақиқий салоҳият деб билади.

Ҳамшира –ўрта тиббий даражадаги вакилидир. У тиббий профилактика, мактабгача ва мактаб муассаларида шифокор ёрдамчисидир. Ҳамшира лавозими тиббиёт мактабларини камида икки йил ўқиган ва ҳамширанинг малака сертификати ёки дипломини олган шахсларга берилади. Тиббиёт институтининг кундузги курсини уч йил бакалаврият муваффақиятли тамомлаган битирувчилар катта ҳамшира бўлиб ишлаши мумкин.

Тадқиқот мақсади ва усуллари: Мактабгача ёшдаги болаларнинг касалликларини олдини олишда болалар мактабгача таълим муассасасининг тиббий ҳамшираларнинг ролини аниқлаш ва тавсифлайдиган тиббий адабиётларни ўрганиш. Замонавий адабиётни ўрганиш ва амалий тадқиқотлар бўйича ўрганилган мавзунини тақдим этиш. Ишлаш ва яшаш шароитларини ва болаларда кузатилаётган касалликларни таҳлил қилиш асосида, шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларда касалликларнинг олдини олиш чоралари амалга ошириш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида ҳамширалик ишини моҳияти, вазифалари ва уни ташкил этиш усуллари.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари

Ушбу ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Тиббиёт ходимларининг тиббий-ижтимоий хусусиятларини ва соғлиғи ҳолатини меҳнат ва яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш (маҳаллий ва хорижий адабиётлар бўйича).

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг касалликларини олдини олишда болалар мактабгача таълим муассасасининг ҳамшираси тушунчаси ва моҳиятини ўрганиш;

3. мактабгача ёшдаги болаларда касалликларнинг олдини олишда ҳамширанинг ролини амалий ўрганиш;

4. Олинган натижаларни таҳлил қилиш, бунинг асосида иш натижаларини тузиш.

5. Мактабгача ёшдаги болаларда терапевтик ва профилактик тадбирларнинг моҳияти ва асосий хусусиятлари;

6. Самарқанд шаҳридаги мактабгача тарбия муассасаларида ишлайдиган ҳамширалик ишини такомиллаштириш

Мактабгача таълим муассасаларида ҳамширалик ишининг асосий йўналишларидан бири бу профилактикадир.

Ҳамшира вазифасининг асосий вазифаси-бу парвариш қандай амалга оширилганлиги билан бир қаторда, шахсни парвариш қилишдир. Тиббий интизом сифатида қариялар ҳамшира тайёрлаш моҳиятини бугун белгилайди. Тиббиёт билимлари, психология, педагогика ва менежмент соҳасидаги билимларни эгаллаган, юқори технологияли жиҳозлар устида ишлаш оладиган, режалаштириш, таҳлил қилиш

ва уларнинг ишига мас`ул бўлган ҳамширалик мутахассисларини тайёрлашга қаратилган давлат та`лим стандартлари тузилди.

Ҳамширалик ва тиббиёт амалиёти бир-бири билан узвий боғлиқ, бир-бирисиз кўринмайдиган бир-бирини тўлдирувчи тиббий касблардир.

Самарали ҳамширалик парвариши аҳолига тиббии ёрдам кўрсатиш сифатининг энг муҳим жиҳати бўлиб, у соҳа фаолиятини ресурс таъминоти, бошқарув самарадорлиги, функционал нуқтаи назардан ташкилотнинг имкониятларини аниқловчи турли параметрлар мажмуасини таҳлил қилиш натижаларига асосланган тизим сифатида тавсифлади.

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда мактабгача ёшдаги болалар саломатлиги кўрсаткичлари динамикасида ўзгаришлар кузатилмоқда. Мактабгача таълим муассасасида болалар фаолиятини ташкил этиш нафақат педагогик иш барча бўлимлари яъни таълим, дам олиш, мустақил ва жамоавий ўйинлар, болалар ҳаракат фаолиятининг турли шакллари ташкил этишни йўлга қўйиш ва ошириш билан емас, балки мактабгача таълим муассасаларда боғча болалари саломатлигини шакллантириш шарт-шароитларини таъминловчи тиббиёт ходимлари, асосан ҳамширалар иши мақсадли фаолияти билан тарбиячи ўртасидаги яқин алоқаи боғлиқлигинийўга қўйишни ривожлантириш. Мактабгача таълим муассасасида бўлиш даврида боланинг ўсиши, жисмонан ва руҳан мустаҳкам бўлиб ривожланиши, турли кўникмаларни қабул қилиши, билим ва идрок этиш, шунингдек уларни ўрганиш қобилиятини муваффақиятли ўзлаштирганлиги муҳимдир. Ҳозирги вақтда замонавий болалар боғчаси сезиларли даражада ўзгарганлиги кузатилмоқда. Биноларнинг янги лойиҳалари пайдо бўлиб, уларнинг ички тузилиши анча ўзгарди. Мактабгача таълим муассасаларининг кўплаб биноларида ҳовузлар қурилиб, уларда зал - мусиқа ва гимнастика учун қурилган; ўйин ва ётоқ хоналари майдони кенгайтирилганини бунга мисол бўла олади. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг мазмун-моҳиятида ҳам ўзгаришлар юз берди: улар жумласига турли фанлар бўйича мутахассислар - сузиш бўйича ўқитувчи, жисмоний тарбия ўқитувчиси, болалар билан шуғулланадиган ўқитувчилар, шунингдек қўшимча фаолият, чет тили, рақс ва бошқаларга кўпроқ эътибор қаратилилиши киради.

Ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари жамоаси томонидан болаларнинг ҳаракат фаоллигини ташкил етиш, уларнинг саломатлигини замонавий тиббий ускуналар комплексларидан фойдаланган ҳолда мустаҳкамлаш, шунингдек болаларнинг самарали фаолиятини ҳамда қобилиятларни ўрганиш ва ривожлантиришда муваффақиятга еришишни таъминлайдиган мустақил фикр ва билимларни шакллантириш, шахсий фазилатларни ва юқори психик функцияларни ривожлантиришга эътибор қаратиштир. Таълим дастурининг турли вазифаларини самарали ҳал етиш учун, энг аввало, мактабгача таълим муассасаси ходимларининг боланинг соғлиғи, жисмоний ва ақлий фаровонлиги ҳақида доимий равишда ғамхўрликлар олиб бориши зарур. Замонавий мактабгача таълим муассасалари бошқалардан болаларнинг келиб кетиши, яшаш шароитлари, таълим-тарбия жараёнининг даражаси ва мазмуни, иш жадвали ва хилма хиллиги (болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида вақт ўтказиши, вақти, қисқа муддатли, кундузги ва бошқалар ҳолатлар) билан ажралиб туради. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари сўнгги йилларда ишлаб чиқилган турли хил болаларни тарбияласда ишлаб чиқилган тарбиявий чора тадбирлар режасида ва ўқитиш дастурлари ҳамда овқатланиш таомномадан фойдаланадилар. Баъзи дастурларнинг мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар кўпинча болалар таълимини ташкил қилиш шаклида, уларнинг восита фаолиятини таъминлайдиган шарт-шароитлар, амалга оширилаётган соғломлаштириш ва чиниқтириш тадбирлари турлари билан фарқланади. Шу нуқтаи назардан, соғлиқни сақлаш тизимининг бир қисми сифатида болалар мактабгача таълим муассасасида ҳамширалик иши ўзгарувчан атроф-муҳит шароитида мавжуд ва потенциал соғлиқ ва саломатлик муаммоларини ҳал етишга қаратилган илм-фан ва санъатдир. Ҳамширалик ишининг мақсади ҳамширалик жараёнини амалга оширишдир. Ҳамширалар ўз ишини профессионал тарзда бажаришга, беморнинг еркинлиги ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш ва жамият билан муносабатларини яхшилашга ёрдам беришга интилади.[1, 16-бет] Ҳамширалик фалсафаси тамойилларини амалга ошириш, ҳамширалар ва жамиятнинг ўзаро таъсирига боғлиқ. Бугунги кунда йўлга қўйилган принциплар ҳамшираларнинг жамият олдидаги масъулиятини ва жамиятнинг ҳамшираларга бўлган масъулиятини ўз ичига олади.

Жамият соғлиқни сақлаш тизимида ҳамширалик ишининг муҳим ролини тан олади, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни нашр этиш орқали уни фаолиятини тартибга солади ва рағбатлантиради. Ҳамширалик ишининг илмий жиҳатлари бўлиб соғлом кишига ғамхўрлик қилиш каби ва касал кишиларга ҳам ғамхўрлик қилиш бўйича билимларни ривожлантириш ва кэнгайтиришга қаратилган. Тадқиқот жараёнида салбий омиллар таъсирига қарамасдан тананинг оптимал ишлашини таъминлайдиган асосий механизмларни аниқлаш керак. Асосан мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчи болаларни саломатлигини муҳофазалаш ва жисмоний ривожланишини мустаҳкамлашда ҳамшираларнинг фаолияти бунда муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу муаммони, шунингдек, ҳамширалик жараёнининг бошқа амалий масалаларини ҳал қилиш ҳамширанинг махсус психологик, маънавий ва профессионал фазилатларини талаб қилади.

Ҳозирда ҳамширалик фаолиятининг замонавий модели бўлиб - бу ҳар бир беморнинг соғлиғини унинг манфаати учунгина ғамхўрлик қилиш ҳамда унга яхшилашга қаратилган фан ва амалиёт ҳисобланади. Ҳамширалар-бу ҳамширалик амалиётини профессионал ва ижодий тарзда амалга ошира оладиган ҳамширалик фалсафаси билан ажралиб турадиган шахс. Ҳамширалик хизмати, ҳамширалар томонидан унинг функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширилган ишдир. Ушбу ҳамширалик фаолиятининг функционал вазифалари соғлиқни сақлаш, профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, касалларни парваришқилиш ва реабилитация ёрдамини кўрсатиш ва мустаҳкамлаш сифатида тавсифланиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсон саломатлиги ҳолати инсоннинг касаллиги учрамаган ҳолда бўлмаса, тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир[2].

Турли халқаро ҳужжатларда инсоннинг ҳечқандай чекловларсиз саломатликка эга бўлиш ҳуқуқи акс этирилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг асосий ҳужжатида, ҳар бир инсон ирқи, дини, сиёсий қарашлари, иқтисодий-ижтимоий мавқеидан қатъий назар, энг юқори даражадаги саломатликка эга бўлиши ва ундан баҳра олиб яшаши унинг бирламчи инсоний ҳуқуқи эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилган [3]

Саломатликка эга бўлиш ҳуқуқи дэганда, нафақат инсоннинг тиббий ёрдам олиш имкониятлари, балки соғлиққа ижобий таъсир этувчи бошқа омиллар, масалан тоза ичимлик суви, тегишли санитария ва уй-жойшароитларига эга бўлиши ҳам назарда тутилади. Саломатлик ҳуқуқи, ўз навбатида беморнинг бир қатор ҳақ- ҳуқуқларини, эркинликларини ҳам англатади. Бундай эркинликлар сирасига, бемор розилигисиз кўрсатиладиган тиббий хизмат, масалан тиббий тажриба ва тадқиқотлар қийноққа солиниш ҳамда инсон нафсониятига тэгадиган хатти-харакат, муомала – муносабатлардан холи бўлиш ҳуқуқи ҳам киради. Саломатликка оид ҳақларга эса соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш; касалликлар профилактикаси, даволаш ва назорат қилиш, зарур дори-дармонлардан фойдаланиш ва саломатликка оид қарорларни қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқлари киради [4].

Гарчи, тарихан ЖАР(Жамоатчилик Асосидаги Реабилитация) доирасидаги эътибор, асосан соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилган бўлса-да, саломатликка кўпгина бошқа омиллар ҳам таъсир этишини ҳисобга олиб, соҳалараро ҳамкорликни ривожлантириш ва унга барчани жалб этиш зарур [5], ЖАР дастурларида эса яна бошқа соҳалар, масалан таълим ва бандлик масалаларига Асосан мактабгача таълим муассаларида тарбияланувчи болалар саломатлигига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Саломатлик масаласи кўламидан келиб чиққан ҳолда, ушбу компонентда асосий эътибор соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятига қаратилади.

Болалар саломатлиги энг юқори даражада бўлишиг аэришиш учун, соғлиқни сақлаш дастури саломатлик тарғиботибобида кэнг кўламли фаолият олибборади. Жумладан:

- жамоат аъзолари ва етакчилари, қишлоқ ва шаҳар жойларда аҳоли ўртасида, жумладан мактабгача таълим массаларида ва мактабларда, тарбиячилар ва мактаб ўқитувчилари ва хотин-қизлар кўмиталари орасида тушунтириш ишларини олиббориш ҳамда бубилан уларнинг саломатликни муҳофазалаш, келажак авлод - болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги чора тадбирларни яхшилаш ва шакллантириш;
- ота-оналарга фарзандлар саломатлиги борасида тушунча бериш ва ҳимоя қилишни ўргатиш лозим, чунки саломатлигига путун еткаилзган болалар таъсирчан, заиф ва руҳан носоғлом булиши мумкин;

•МТМ ходимлари, тарбияланувчи болалар ва ҳамширлар онгида саломалик тушунчалари,соғлом турмуш тарзи, турмуш даражаси ва турмуш сифати каби тушунчаларни шакллантириш ва бола саломатлигига эътиборни кучайтириш борасида профилактик чора тadbирларни амалга ошириш, хусусан бу борада ҳамширалар фаолиятини ривожлантириш ва кэнгайтириш ;

Бундай фаровонлик, ўз навбатида, ташқи ва ички омиллар мажмуаси томонидан таъминланади. Иккинчиси, хусусан, боланинг морфофункционал ва психологик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Соғлиқни сақлашнинг асосий белгиларидан бири тананинг атроф-муҳит шароитларига ишончли мослашиши ва турли шароитларда тўлиқ фаолиятни амалга ошириш имконияти ҳисобланади. Ўбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ва бошқа айрим давлатлардаги болалар ва ўсмирлар гигиенаси илмий-тадқиқот институти кўрсатмаларига кўра, болалар саломатлиги тўртта асосий мезонга асосланган[6, 21-бет]:

- организмнинг физиологик тизимлари даражаси;
- жисмоний ривожланиш даражаси ва унинг уйғунлиги;
- тананинг зарарли омилларга чидамлилиги даражаси;
- текшириш вақтида касалликларнинг йўқлиги.

Юқорида санаб ўтилган бола организмнинг хусусиятларини боланинг ҳаётидаунинг муҳим, тугунли ёш даврлари белгилаб беради. Бу даврларга болаларнинг илк биринчи ёши, 3-4 ёши ва шунингдек 6-7 ёши киради.Бу даврларҳаётда бола организмнинг кўпроқ сезгирлик ва заифдир,чунки асосан бу даврларда улар ташқин таъсирларга, шунингдек атроф муҳитни ноқулай таъсирга тез жавоб беради. Айрим олимлар инсон саломатлининг 50 фоизини унинг учта асосий компонентни қамраб олувчи турмуш тарзи яъни ,биринчидан инсон талабини қондирилиши ва қулайлиги даражасини тавсифловчи турмуш сифати, иккинчидан моддий, маданий ҳамда маънавий талабларни қондирилишини мослигини англаувчи турмуш даражаси ва учинчиси шахс хусусиятлатини унинг хулқ-атвориға бўғлиқлиги белгилаб беради деб фикрлашади . Замонавий жамоада инсонларда болалик ёшидан шакллланувчи саломатликнинг афзалликлари яратилиши лозим. Б вақтда замонавий жамиятда турмуш

тари, асосан катта шаҳарларда кўга куринарли даражада қулай бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида кўпгина сабаблар оқибатига вужудга келганлигини иоҳлаш мумкин. Улар жумласига илмий техникавий тараққиётнинг салбий томонлари, экологиянинг бурилиши, аҳоли пунктлариининг урбанизация ҳолати, автомобил ҳаракатининг кўплиги ва заҳарли моддаларнинг ва саноат корхоналари чиқиндиларининг аҳоли саломатлигига таъсирининг кучайиши ва бошқалар киради. Буларнинг барчаси катталар ва болалар саломатлигага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Олимлар ўтказган илмий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, охириги 10 йиллар давомида мактабга ёш давридаги болалар саломатлигини бузилиш ҳолати икки баробар ошганлиги кузатилиб, саломатлигида ҳеч қандай чекланишлар бўлмаган мактабгача ёшдаги болалар 3 баробар камайганлиги маълум бўлган. [7, 21-бет]. Кўпинча, болаларда юқори касалланиш саноат ҳудудлари ёнида жойлашган мактабгача таълим муассаларида тарбияланувчи болаларда , туманларда тоза ҳаволи ҳудудларда жойлашганларга нисбатан 1.5-2 баробар кўпроқдир, қишлоқ шароитларида жойлашган мактабгача таълим муассаларида шаҳарда ҳойлашганларга нисбатан еса қоидаса асосан 2-2.5 баробар пастроқ. Мактабгача таълим муассаларида тарбияланувчи болалар саломатлигини муҳофазалаш ва мустаҳкамлаш ташқи таъсирлардан ташқари бир қатор шароитлар билан аниқланади, булар жумласидан асосийлари бўлиб, таълим ишларининг барча бўлимларидаги саломатликни тежайдиган педагогик техналогияларни амалга ошириш;

таълим машғулотларини давомийлиги ва сонини қисқартирувчи таълим олишнинг замонавий прогрессив усуллари ва услубларини қўллаш;

биологик ва психологик ё ши асосида боланинг ривожланиш даражасига қараб индивидуал ёндашув;

турли хил фаолиятни ва дам олишни алмашинувини таъминловчи кун тартибига риоя қилиш;

боланинг ҳаракатланишидаги биологис талабларни қондирилиш шарт-шароитларини яратиш;

мактабгача таълим муассаларида жисмоний тарбия, сузишни ургатиш бўйич юқори малакали мутахасиссларнинг мавжудлиги ва бошқалар.; [6, с. 36].

Мактабгача таълим муассасалари шароитида ҳамширалик ходимларининг муҳим ўрни олдини олишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, жумладан, аҳолининг тиббий фаоллигини шакллантиришдан иборат.

Айни пайтда ҳамширалик ишини ислоҳ қилишда, аввало, аҳолига, жумладан мактабгача таълим муассасарида ҳамширалик парвариши сифатини оширишни мақсад қилиш олиш мувофиқдир.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашнинг асосий шарти ўрта даражадаги тиббиёт ходимлари ишини тўғри ташкил этиш: уларнинг саломатлиги, меҳнат муҳофазаси ҳақида жамоада қулай психологик микро иқлим яратиш, юкломани оптималлаштириш, қулай иш жадвали. Бу вазифаларни амалга оширишда асосий ўрин ўрта тиббиёт ходимлари - бош ҳамшира ва катта ҳамширалар раҳбарларига берилади. Муваффақиятли иш кўп жиҳатдан ишни малакали ташкил этишга боғлиқ. Ҳамширалик ходимлари функциясининг нотўғри ташкил этилиши иш вақтининг камайишига, кераксиз ортиқча зўриқишларга олиб келади ва хизмат кўрсатиш сифатига таъсир қилади.

Мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизматни ташкил этиш

Мактабгача таълим муассасаларида тиббий-профилактика жараёнини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

Ҳар бир МТМ шифокор ва ўрта тиббиёт ходими билан таъминланиши лозим.

МТМ шифокори ва ўрта тиббиёт ходими белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтишлари керак.

МТМда бир йилда бир марта невропатолог, окулист, оториноларинголог, хирург-ортопед, стоматолог, логопед, психоневролог тор мутахассисликлари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ҳамда қон, пешоб ва нажас умумий лаборатор таҳлилари билан мактабга чиқишдан бир йил аввал ва мактабга чиқиш арафасида ўтказилади.

МТМ шифокори томонидан тиббий кўриқлар натижалари умумлаштирилади ва ҳар бир тарбияланувчи саломатлиги ҳолати бўйича хулоса тайёрланади. Жумладан, унинг жисмоний ривожланиши бўйича баҳо, аниқланган патологик ўзгаришлар ва саломатлик

гурухларига мансублиги белгиланади, жисмоний тарбия машғулотларида қатнашиши учун тиббий гуруҳи аниқланади, тор мутахассислар тавсиясига кўра соғломлаштириш чора-тадбирлари белгиланади;

Олинган маълумотлар “Боланинг тиббий картаси” (Ф 026/у) га қайд этилади, саломатлик гуруҳлари бўйича тиббий карталар турли рангларда белгиланади;

Ҳар бир гуруҳ учун кўрик маълумотномалари бўйича “саломатлик варақаси” тузилиб , жисмоний тарбия ўқитувчиси ва тарбиячига тақдим этилади;

МТМда болаларни комплекс соғломлаштириш чора-тадбирларини ташкил этилиши, саломатлиги бўйича ўзгаришларга эга бўлганлар учун эса психологик-педагогик коррекция қилиниши мумкин;

8. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига хона беради ва унинг ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратади.

9. Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўриқдан ўтадилар, бунинг учун сарфланадиган харажатлар давлат томонидан ажратиладиган маблағлар доирасида белгиланади.

10. Мактабгача таълим муассасаси ходимлари тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтидаги ҳаёти ва соғлиғи учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради. Мактабгача таълим муассасасида ўрта тиббиёт ходими вазифалари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги 2013 йил 02 октябрдаги 26-сон ва Ҳалқ таълими вазирининг 2013 йил 02 октябрдаги “Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизматни такомиллаштириш тўғрисида”ги 40-сон Қўшма қарори ҳамда Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятини ташкил этишга қўйилган санитария қоида ва меъёрлар ” № 0355-18 рақамли СанҚваМнинг 17 –бўлимида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йилдаги “Аҳолини санитария эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги 393-сонли Қарорининг 5 – бобида кўрсатилган санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларини (“санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар” 30-модда, ”юкумли ва паразитари

касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар” 32-модда, “ профилактик эмлашлар ўтказиш”, 34-модда “дезинфекция тадбирлари” 33-модда, “ мажбурий тиббий кўриклар”, 36-модда “фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш ” 35-моддалар) ташкил этиши ва ўтказишда ўрта тиббиёт ходими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1.Ўрта тиббиёт ходими мактабгача таълим муассасаларидаги фаолиятини шифокор раҳбарлиги остида олиб боради унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради.

2. Тиббий ходимнинг мажбуриятлари:

- мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари орасида ўтказилган тиббий кўрик даврида шифокорларга ёрдам беради ва улар томонидан кўрик натижасида берилган тавсияларни бажаради;

- тор мутахассислар тавсияномаларини, тиббий кўрик натижаларини тарбиячиларга тақдим этади;

-соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

3. Қуйидаги тиббий назоратларни ўтказиши лозим:

- мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчи овқатланиши,тарбия ва ўқиш давомида гигиеник шарт-шароитларни ҳамда ўқувчилар жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этиш;

- санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тартибларга риоя этилиши, ошхоналар учун берилган санитария талабларни бажарилиши, ошхона ходимларини ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш;

-гуруҳлардан дарс ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган машғулотларни ташкил этилиши;

-мактабгача таълим муассасаларининг ходимларини ўз вақтида тўлиқ равишда тиббий кўригини олиб бориш; - шифокор назорати остида режа асосида эмлаш ишларини олиб бориш;

-юқумли касалликлар билан мулоқатда бўлган болаларни назорат қилиб бориш;

-шифокор билан биргалиқда тарбияланувчини амбулатор кўриқдан ўтказилишини

ташқил этиш;

-жароҳатланиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган ишларини амалга ошириш, ҳар бир жароҳат олган болани шифокор билан биргаликда ҳисоботини олиб бориш ва таҳлил қилиш ;

- тиббий жиҳозлар, дори-дармон, эмлаш материалларининг ҳисоботи ва бошқа ҳисоботга оид ҳужжатларни тасдиқланган шакллар асосида олиб борилиши ва ўз вақтида ҳамда сифатли юритиш;

- Тарбияланувчининг жинси, ёши ва соғлигига нисбатан жисмоний тарбия машғулотлари тўғри ташқил этилиши ва ўтказилишини тиббий назоратни ўтказди;

- Кунлик таомноман тайёрлашда ва унга таалукли бўлган ҳужжатларни юритишда иштирок этади. Овқатни тайёрланиш технологияси, озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлигини назорат қилади, овқатдан захарланишига қарши чора-тадбирларни амалга оширади ;

-Ошхона ходимлари, тарбиячилар ва ёрдамчи тарбиячилар учун маслаҳатлар беради. Ошхона ходимларини йирингли касалликларига эътибор бериб рўйхатга олиб боради. Ошхонада тайёр овқатларни таъмини кўриб, тарқатишга руҳсат беради;

- МТМда бино, ҳовли , гуруҳлар, умумий фойдаланиш жойларининг санитария ҳолати ҳамда ходимлар ва тарбияланувчиларнинг шахсий гигиена қоидаларига амал қилиши бўйича кунлик санитария назоратни ўтказди ;

-Педагогик кенгашда қатнашади, болаларнинг соғлиғи, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилади. Юқумли касалликлар ҳақида кўргазма ташқил этади;

- Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаси ва санитария эпидемиология назорат маркази кўрсатмаларига биноан МТМ маъмурияти билан келишган ҳолда санитария-гигиеник, эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга оширади;
-доимий равишда ўз билим савиясини ошириб бориш.

Хулоса.

1. МТМ ларида соғлом жамият сиёсатини олиб бориш

Барча соҳаларда,шунинг келажак ёшларимиз ҳисобланган мактабгача таълим

муассасаларида тарбияланувчи болалаларсаломатлигини мустаҳкамлашда шундай қонунчилик яратиш керакки, у хавфсизроқ ва тоза маҳсулот ҳамда хизматлар орқали жамиятда саломатлик ва атроф муҳит тозаллигини таъминласин ва ҳимоя қилсин.

2. МТМда саломатлик учун қулай муҳит яратиш

МТМ тарбияланувчилари орасида жисмоний ва ижтимоий муҳитни ўзгартириш билан яшаш ва ишлаш учун зарарсиз, рағбатлантирувчи, қониқарли ва қулай шароитларни яратиш.

3. МТМ да ишлайдиган жамоатни кучайтириш

МТМ ларда экологик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий компоненти кучли бўлган ҳамда саломатликка оид муаммоларни ҳал этиш учун жамоатчиликка асосланган ёндашувни қўллаб қувватлаш. Жамоат фаоллиги, салоҳияти ва иштирокини кучайтирган ҳолда, уларни устувор йўналишларни белгилаш, қарор қабул қилиш ва иш режасини тузиш ҳамда саломатликни мустаҳкамлайдиган стратегияни амалга ошириш кучайтириш ва рағбатлантириш.

4. Шахсларнинг билим ва имкониятларини ошириш

Соғлом турмуш тарзига оид таълим орқали МТМ тарбияланувчилари ва профилактик чора тадбирлар олиб боровчи асосий бўғин ҳисобланмиш ҳамшираларнинг билими ва имкониятларини ошириш, бу билан уларга саломатлик ва экологияга оид масалаларни мустақилравишда ҳал этиш, соғлиқни мустаҳкамлашда яхшироқ қарорлар қабул қилишимконияти учун саломатликка оид маълумотлар бериш.

5. Тиббий хизмат йўналишини ўзгартириш

Соғлиқни сақлаш соҳасининг эътибори ташхис қўйиш ва даволашдан иборат тиббий хизматлардан кўра, кўпроқ соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, касаликни олдини олиш борасида профилактик чора тадбирларни амалга оширишга қаратилиши керак.

Бугунги кунда саломатликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботининг стратегиялари қуйидагиларга нисбатан қўлланилиши мумкин:

- аҳолининг турли гуруҳлари: асосан болалар, жумладан МТМ тарбияланувчилари катталар, кексалар
- зарарли омиллар: чекиш, жисмоний машқлар қилмаслик, нотўғри овқатланиш,

химояланмаган жинсий алоқалар

- саломатлик ёки касалликлар бўйича устувор йўналишлар: диабет, ОИТ/ОИТС, юрак ва оғиз бўшлиғи касалликлари
- ташқи шароитлар: жамоатчилик марказлари, клиникалар, касалхоналар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва идоралар.

Ҳар бир одам ўз саломатлигини мустаҳкамлаш учун етарли имкониятга эга. Саломатлик тарғиботига барчани жалб этиш орқали саломатликни белгиловчи омилларга кўпроқ таъсир кўрсатиш, уларни назорат қилиш мумкин. Саломатлик масалалари бошқаларга саховат кўрсатиш орқали эмас, балки улар билан биргаликда ишлаш орқали ҳал этилиши керак.

Саломатлик тарғиботи борасидаги фаолият жамоат учун долзарб ва устувор масалалардан келиб чиққани боис бу ерда келтирилган фаолият турлари фақат тавсия сифатида қабул қилиниши лозим. МТМ ларида саломатлик ва соғлом турмуш тарзига оид дастурларини амалга оширувчи тиббиёт ходимлари, асосан ҳамширалар ўзлари ишлаётган жамоадаги вазиятдан бохабар бўлиши, ички ҳаётини яхши билиши, жамоа билан доимий мулоқотда бўлишлари керак. Шундагина улар саломатликни белгиловчи омилларни тўла назорат қила олишлари мумкин.

Соғлом турмуш тарзи тарғиботи тадбирларини қўллаб-қувватлаш

МТМда ҳамшираларнинг саломатлик тарғиботига боғлиқ тадбирлар бутун тарбияланувчилар, ота-оналар ва МТМ ходимлари саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай тадбирлар орқали одамларга маълумот берилади, рағбатлантирилади, натижада уларнинг дунёқараши ўзгаради. Соғлом турмуш тарзи дастурлари МТМ тарбияланувчиларива ходимлари орасида қуйидаги йўллар орқали саломатликни тарғиб этиши мумкин:

- жамоат, вилоят ёки бутун мамлакат миқёсида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тадбирларни аниқлаб, улар МТМларни эътибордан четда қолдирмаслиги ва МТМ тиббий ходимлари, хусусан ҳамширалар иштирокида ўтказилишини таъминлаш;

- соғлом турмуш тарзига оид тадбирлар ва улар доирасидаги ишларда фаол катнашиб, бу билан имконияти чекланганлик бўйича жамоатнинг хабардорлигини ошириш;
- жамоатда мавжуд ресурсларни аниқлаш (масалан, нотиклар, газеталар, телерадио) ва уларни имконияти чекланганликка алоқадор саломатлик масалаларини ёритишга жалбэтиш, имконияти чекланганлик масалаларини матбуотда ёритилаётганида, МТМ тарбияланувчилари оиласида мавжуд бўлган имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва шахсиятига ҳурмат билан ёндашиш.
- тадбирлар доирасида ёритилмаётган ва саломатликка, турмуш сифати ва турмуш даражасига алоқадор бўлган масалаларни жамоат миқёсидаги тарғиботтадбирларида ёритишни қўллаб-қувватлаш.

Ҳамширалар томонидан инсон соғлиғига оид билим ва тушунчалар МТМ тарбияланувчилари ва уларнинг оила аъзоларига ўз саломатликларини мустаҳкамлаш борасидаги зарурий билим ва имкониятларни беради. Дарслар ва алоҳида учрашувлар (якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб) орқали, касаллик чиқарувчи омиллар, санитария ва гигиена, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбиянинг аҳамиятидан бохабар бўладилар. Бу борада, тиббиёт ходимлари, асосан ҳамширалар қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозимдир:

- МТМ тарбияланувчи болалар ва уларнинг оилалари яшайдиган уйга бориб суҳбат ўтказиш, амалий тавсиялар бериш;
- МТМлар ва уларда фаолият кўрсатувчи тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг оилаларига соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи маълумотлар, масалан, тиббий адабиётларни тарқатиш;
- Соғлом турмуш тарзига оид тарқатма материалларни нашр этиш ва МТМлар тарбияланувчи болаларга тушунадиган шаклга мослаштириш, масалан, онги заифроқ болага маълумот содда тил ва расмлар ёрдамида тақдим этилиши керак;
- МТМ тарбияланувчилари ва уларнинг оилаларини соғлом турмуш тарзига оид маҳаллий тарғибот дастури ва хизматларидан бохабар қилиш ва бу билан уларни саломатлик борасидаги тушунчаларни бойитиш;

- тарғибот ишлари доирасида эҳтиёжлари инобатга олинмаган МТМ тарбияланувчилари учун саломатлик ва профилактик чора-тадбирлар борасида махсус дарслар ташкил этиш
- дарсларда ўйинлар, саҳнавий кўринишлар, кўргазмалар, муҳокамалар, ҳикоя айтиш, масала-муаммоларни ҳал этиш каби турли услуб ва материаллардан фойдаланишни кафолатлаш;
- МТМ тарбияланувчилари ва уларнинг оила аъзоларида саломатлик тушунчалари тўғрисидаги билим ва кўникмани кучайтириб, мактабгача таълим муассасалари шифокорлари ва ҳамширалар билан эркин гаплашиш, саволлар билан мурожаат қилиш ва ўзсаломатлигига оид тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмаларни пайдо қилиш;
- соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда МТМ тарбияланувчилари учун алоҳида тренингларташкил этиш ва уларни саломатликни тарғиб этувчи фаолларга айланишида ўзаро ёрдам гуруҳлари, одамларга бир-бири билан ўз тажрибаси, ташвиш ва муаммолари, ютуқ ва камчиликлари билан ўртоқлашиш ва алмашилиш имкониятини беради . Аксарият қисмда оилада бемор бўлган ёки тез тез касал бўлган болаларга алоҳида аҳамият бериш учун, уларнинг ота-онасига ҳамдард одамларнинг фикри ва тавсияларини бериш, шунингдек тиббиёт ходими асосан ҳамшираларни тавсияларидан фойдаланиш афзалроқдир .

Фойдаланилган адабийотлар.

1. Организация сестринской деятельности [Электронный ресурс] / под ред. С.И. Двойникова - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014.
<http://www.studentlibrary.ru/book/ISBN9785970428955.html>
2. G'aniyeva, Z. и Mamasolieva, S. 2022. Преимущества профессии медсестры в организации и совершенствовании сестринского дела в дошкольном образовании. Общество и инновации. 3, 2 (апр. 2022), 400–406.
DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2-pp400-406>.

3. *Constitution of the World Health Organization*. Geneva, 2006 (www.who.int/governance/eb/who_constitution_en.pdf, accessed 30 May 2010).
4. *Convention on the Rights of Persons with Disabilities*. New York, United Nations, 2006 (www.un.org/disabilities/, accessed 30 March 2010).
5. *The right to health* (Fact Sheet No. 31). Geneva, Office of the United Nations High Commissioner for Human Rights/World Health Organization, 2008 (www.ohchr.org/Documents/Publications/Factsheet31.pdf, accessed 30 May 2010).
6. Саломатлик компоненти / Жамоатчилик Асосидаги Реабилитация (ЖАР) бўйича йўриқнома// <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/44405/9789241548052-health-uzb.pdf?sequence=297&isAllowed=y>
7. *From exclusion to equality: realizing the rights of persons with disabilities*. Geneva, United Nations –DESA/OHCHR/IPU, 2007 (www.ohchr.org/Documents/Publications/training14en.pdf, accessed 30 May 2010)